O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 4 август, № 150 (4049) Жума

Мустақиллик иншоотлари



Халқимиз қудратига шубҳа қилган одам истиқлол йилларида барпо этилган кўприкларимизга назар ташласин. Соҳибқирон Амир Темурнинг қанотли иборасини бугунги давримизга нисбатан озгина ўзгартириб айтсак, фикримизга қўшиларсиз.

Сиз суратда кўриб турган кўприк Юнусобод туманида қурилган бўлиб, ундан барча бирдай баҳраманд бўлмоқда. Шу кунларда Тошкентнинг Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишган жойда яна бир муҳташам кўприк бунёд қилиняпти. Ушбу иншоот ҳақида «Халқ сўзи»нинг яқин кунлардаги сонида муфассал ҳикоя қиламиз.

«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ»-«ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО»-«CIVIL SOCIETY» ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ СОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаши қошида таъсис этилган «Фуқаролик жамияти"-"Гражданское общество"-"Civil society» умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журналининг 2006 йилдаги 2-сони нашрдан чиқди.

Журналнинг ушбу сонида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган "Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор" номли маърузаси муштарийлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Шунингдек, "Сенат фаолиятини такомиллаштириш йўлидан" мақоласида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисида айтиб ўтган камчиликларни тузатиш йўлида қилинган ишлар таҳлили, давлат ва жамият ҳаётида қандай йўллар ҳамда усуллар билан Сенат фаолиятини кучайтириш мумкинлиги хусусида фикр юритилган.

Журналдан ўрин олган "Ўзбекистон ва дунё ҳамжамияти: ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида" мақоласида эса Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий муносабатларининг ривожланиши, ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, ташқи савдо ҳажмини оширишда эришилган ютуқлар таҳлили келтирилган.

Маълумки, жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Шу муносабат билан журналда чоп этилган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови — демократия омили" мақоласида демократик асосда ўтказилган ушбу сайловнинг ҳуқуқий асослари, сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг кўмаклашувчи комиссиялари, маҳаллалардаги ишчи гуруҳларнинг фаоллигини ошириш масалалари таҳлил этилган.

Журналда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари томонидан тайёрланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун мониторинги натижалари ҳавола этилган. Ушбу мақолада ўзини ўзи бошқаришнинг назарий асослари, мамлакатимизда маҳалла институтининг ривожланиши, унинг ҳуқуқий кафолатлари, мониторинг давомида ўтказилган сўров натижалари баён этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, мақола якунида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

"Қонун ҳужжатлари мониторингининг долзарб ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари" номли мақолада ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги мониторингнинг илмий-назарий жиҳатлари, бу бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси, янги ташкил қилинган марказнинг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Шу билан бирга мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини ошириш масалаларига қаратилган, шунингдек, жорий йилнинг 12 апрель куни қабул қилинган "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсади, вазифалари, устувор жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари шарҳлаб берилган мақолалар ўрин олган.

Журналда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24 — сонли "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"ги Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг март-май ойларида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳақида ахборот берилган.

Шунингдек, журналда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш муаммоларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарлар тўпламлари, янги нашр қилинган юридик адабиётлар тўғрисида маълумотлар ҳавола этилган.

Мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасидаги устувор вазифаларни амалга оширишда, шунингдек, давлат ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда «Фуқаролик жамияти"-"Гражданское общество"-"Civil society» умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журналининг ҳар бир сони муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

(ЎзА).

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг (парламент) Миллий сиёсат масалалари қўмитаси раиси Бёнг Сог Пак раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, Президент Ислом Каримовнинг жорий йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларимизда янги саҳифа очгани алоҳида қайд этилди.

Томонлар икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ҳамкорлигининг бугуни ва истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Бу борадаги ҳамкорлик стратегик шериклик тамойилларига мос равишда ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, икки палатали парламент фаолияти билан яқиндан танишдилар.

(ЎзА)

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Наманганда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Депутатлар республика Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу хусусдаги қарорининг жойларда бажарилиши масаласини муҳокама этдилар.

Сўзга чиққанлар жамиятнинг фаол аъзолари бўлган хотин-қизларни эзгу ишлар сари етаклаётган ушбу қўмиталар иш самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

ҲОСИЛГА ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ЗАРУР

Жорий йилда ғўзанинг ривожланиши аввалги йилларга нисбатан бир мунча эртаки бўлиб, аксарият ўсимликларда 7-8 тадан бўлиқ кўсак ҳосил бўлган. Бироқ, кўпни кўрган, деҳқончиликда бой тажрибага эга бўлган кишилар яхши билишадики, август ойида кўсак қуртининг иккинчи авлоди ғўзага зиён келтириши мумкин. Шу боис ҳам ўз вақтида зарур тадбирлар кўрилмаса, кутилган ҳосил бой берилиши ҳеч гап эмас.

Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш учун пахта майдонларига феромон тутқичларни ҳар икки гектарга биттадан осиб қўйиш тавсия қилинади. Капсула ва елим суртилган ёстиқчаларни янгилаб туриш ва дала назоратчилари фаолиятинй янада кучайтириш талаб этилади. Ҳар кунги маълумотлар таҳлил қилиниб, ўтказилажак зарур тадбирлар белгилаб олиниши лозим.

Феромон тутқичларга суткасига 2-3 тадан капалак туша бошлагандан сўнг трихограмма гектарига 1 граммдан 5-7 кун оралатиб уч маротаба қўйилади. Трихограммадан яхши самара олиш учун улар пахта майдонига ҳар 10 квадрат метрга жойлаштирилиши керак.

Пахта майдонларида кўсак қуртининг ўртача ҳар 100 ўсимликда 2 тадан қурти тўғри келганда, гектарига 800 донадан (5-7 кун ўтказиб 3 маротаба 200:400:200) бракон қўйилади. Трихограмма ва бракон албатта эрталабки ва кечки салқинда қўйилиши керак.

Кўсак қуртининг сони кўпайиб, у ҳар 100 ўсимликда ўртача 7-8 донаданни ташкил қилган ўчоқларда кимёвий препаратлардан циперметрин — гектарига 0,3 кг, циракс — гектарига 0,3 кг, циперфос — гектарига 1,5 кг. фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, август ойида ғўзага ўргимчаккана ҳам зарар етказиши мумкин. Бу турдаги зараркунанда ҳашарот кўпайишининг олдини олиш учун гектарига 1000 донадан олтинкўз чиқариш лозим. Агарда ўргимчаккана тарқалган ўчоқлар аниқланса, гектарига 25-30 килограммдан олтингугурт чанглатиш, кимёвий препаратлардан неорон — гектарига 1,0-1,2 килограмм, омайт — гектарига 1,5 килограмм, флумайт — гектарига 0,2 килограмм ишлатилиши лозим.

Айрим ҳолларда толанинг елимланиши кузатилади. Хўш, бунга сабаб нима?

(Давоми 2-бетда).

Айтмасам бўлмас

ҲАҚИНИ ТЎЛАМАГАН ШИКОЯТГА ҲАҚЛИМИ?

Кутилмаганда хонадонингизда чироқ ўчиб қолса, қандай аҳволга тушасиз? Шубҳа йўқки, қаттиқ асабийлашасиз. Шундай эмасми? Бир соат, икки соат, нари борса, уч соатгина бу ҳолга чидашингиз мумкин. Лекин ундан ортиғига унча-мунча одамнинг сабри бардош бермаслиги аниқ. Шуларни ўйлаб, дарҳол соҳа ходимларининг масъулиятсизлигидан, эътиборсизлигидан нолийсиз. Бироқ, айб фақат улардамикин?

Тан олиш керакки, кўпчилигимиз электр энергиясидан беармон фойдаланамиз, аммо унинг ҳақини тўлашга келганда ўзимизни четга олиб қочамиз. Чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрсак, хонадонимизга нур олиб кираётган манба ўз-ўзидан келаётгани йўқ. Бунга қанчаданқанча маблағ сарф этилмоқда, яна қанча кишининг машаққатли меҳнати сингмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, истеъмолчиларга электр қуввати етказиб бериш учун 15 фоиз гидроэлектр станциялари ва 85 фоиз иссиқлик электр станциялари кучидан фойдаланиларкан. Буни пулга чақиб кўринг-чи. Катта маблағ дегани. Унга муносиб жавоб эса... Афсуски кўнгилдагидек эмас.

Шунинг учун ҳам электр таъминотида юзага келаётган айрим муаммоларга, биринчи галда ҳақ тўлашнинг пайсалга солинаётгани сабаб бўлмоқда. Тўловларнинг кечикиши электр энергияси етказиб берувчи корхоналарнинг таъминотдаги камчиликларни бартараф этишдаги имкониятларини чеклаб қўйишга олиб келмоқда.

"Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" очиқ акциядорлик жамиятидан олинган

(Давоми 2-бетда).

Тўёна



ИККИ ҲАМЮРТИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик шодиёналари яқинлашгани сайин барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларимиз салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Спортда эришилаётган зафарлар эса байрамга ўзига хос армуғондир.

Куни кеча Жанубий Кореянинг Гумсанг шаҳрида оғир атлетика бўйича 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида якунланган Осиё чемпионатидан вакилларимиз медаллар шодаси билан қайтишди.

Чемпионатда қитъамизнинг 20 га яқин мамлакатидан 200 нафардан ортиқ оғир атлетикачи қатнашди. Мусобақада пойтахтимиздаги Олимпия захиралари коллежи талабалари, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидан терма жамоага таклиф этилган етти нафар спортчи юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

— Анъанани бузмаган ҳолда сухбатни эришилган натижадан бошлай қолай,

(Давоми 2-бетда).



Фармон ва ижро

Жорий йилнинг 23 февралида Юртбошимиз "Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Хўш, бу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва пировард мақсади нималардан иборат? Уни амалиётда қўллаш соҳа ходимларига ва халқимизга қандай наф келтиради? Ва бугунги кунда Тошкент вилоятида Фармон ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ғайрат АБДУВОҲИДОВ билан мулоқотимиз шу хусусда бўлди.

Халқ эҳтиёжи — бош мезон

— Авваламбор, — деди суҳбатдошимиз, — мазкур Фармон жамиятимиз ҳаётига бевосита таллуқли муҳим ҳужжатлардан бўлиб, тармоқнинг бугунги ва эртанги долзарб вазифаларини қамраб олганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мухтасар қилиб айтганда, у савдо соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, улгуржи савдо тизимини ҳар қачонгидан такомиллаштириш, улгуржи ва чакана савдо билан истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида барқарор шартномавий муносабатлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Ўз навбатида, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш сифати даражасини оширишни назарда тутган.

Фармоннинг биринчи ва иккинчи бандларида республикамизда шу пайтга қадар фаолият кўрсатиб келган "Ўзбексавдо" ва "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компаниялари, шунингдек, ҳудудий-савдо ишлаб чиқариш "Савдо" акциядорлик компанияларини тугатиб, ўрнига истеъмол молларининг асосий гуруҳлари бўйича ҳудудий (вилоятлараро, туманлараро ва вилоят) базалари тармоқларига эга бўлган ихтисослаштирилган республика база-конторларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда Улгуржи савдо корхоналари уюшмасини ташкил этиш зарурлиги кўрсатилган. Бу бежиз эмас. Чунки ҳозир замон, давр жуда тез суръатлар билан ўзгармоқда. Янгиликка интилиш тобора кучаймоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам аҳоли, демакки, истеъмолчилар сони кўпайиб, уларнинг талаб-эҳтиёжлари ўсиб бормоқда. Шунга кўра, Давлат мулк қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, "Ўзбексавдо" ва "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компаниялари муассисларининг таклифларига асосан, бугунги кунда ўз умрини ўтаб бўлган компаниялар тугатилиб, замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги компаниялар тузилмоқда. Бу ўз вақтида амалга оширилаётган, халқимиз турмуш даражасини яхшилашга қаратилган бағоят хайрли ишлардандир.

Мазкур Фармон туфайли соҳа ходимлари, мутахассислари фаолиятида янги имкониятлар сари кенг йўл очилади. Негаки, Фармоннинг кейинги бандларига кўра, республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий базалари, бориш қийин ҳамда тоғли ҳудудларда фаолият кўрсатаётган чакана савдо корхоналари 5 йил муддатга мулк солиғи тўлашдан озод қилинади. Бундан ташқари, шу йил 1 апрелдан эътиборан айни ҳудудларда янги ташкил этилаётган савдо корхоналари учун рўйхатга олиш йиғими суммаси, бор-йўғи, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида белгилангани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фармон ижросини таъминлаш юзасидан жорий йил 8 июнда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ихтисослаштирилган улгуржи база-идораларига солиқ солиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорда ҳам соҳа ходимларига бир қадар енгиллик ва имтиёзлар берилиши кўрсатиб ўтилган. Жумладан, 2006 йил 1 июндан бошлаб улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирган республика ихтисослаштирилган улгуржи бозор-идоралари ва уларнинг ҳудудий базалари уч йил муддатга ялпи даромад солиғи тўламайдилар. Уларга нисбатан Давлат мақсадли жамғармаларига ва Молия вазирлиги ҳузуридаги мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни савдо корхоналари учун белгиланган амалдаги ставкалар асосида ялпи даромаддан ҳисоблаш тартиби жорий этилган. Бундай имтиёз ва имкониятлар соҳа ходимларининг меҳнатга муносабатларини тубдан ўзгартиришига шубҳа йўқ.

Ҳозир Фармон ва Қарор ижроси бўйича жойларда муайян ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, Тошкент вилоятида йирик ишлаб чиқариш компаниялари ва корхоналар раҳбарлари, улгуржи базалар ва тижорат банклари вакиллари иштирокида семинарлар ўтказилди. Шунингдек, январь-май ойлари давомида "Матлуботсавдо" компанияси тизимида қишлоқ савдосини ривожлантириш мақсадида учта янги кундалик харид моллари, иккита умумовқатланиш шохобчалари барпо этилди. Учтадан хўжалик моллари бўлинмалари, мактаб ўқув қуроллари ва китоб сотиш бўлинмалари, иккита "Болалар дунёси" бўлимлари ташкил этилди.

Бироқ бундай ишлар ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек олиб борилаяпти деб бўлмайди. Бинобарин, келгусида Фармоннинг мазмун-моҳиятини халққа етказиш ва унинг ижросини таъминлаш учун оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришга тўғри келади.

Бахтиёр АЗИМОВ,
Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси Матбуот хизмати бошлиғи.

ИККИ ҲАМЮРТИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— дейди республика оғир атлетика федерацияси бош котиби Шаҳрулла Маҳмудов. — Шогирдларим ўз олдиларига қўйган натижага эришдилар. Бухоролик Фурқат Саидов даст кўтаришда 148 килограмм, силтаб кўтаришда эса 175 килограмм натижага (умумий кўрсаткич 323 килограмм) эришиб, Осиё чемпиони бўлди. Иккинчи олтин медаль даст кўтаришда 141 килограмм, силтаб кўтаришда 165 (умумий кўрсаткич 306 килограмм) килограмм натижага эришган самарқандлик Акобир Усмоновга насиб этди.

Бобурбек Ражабов ва Муҳаммад Бегалиев кумуш, Азамат Маматқулов ва Жаҳонгир Зиннатов эса бронза медаллари совриндори бўлишди. Руслан Алпанов тўртинчи ўрин билан кифояланди.

Ўзбекистонлик спортчилар умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲОСИЛГА ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ЗАРУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Толадаги бундай салбий жараён унинг турли сўрувчи ҳашаротлар суюқ чиқиндиси билан ифлосланиши, хомашёни теримгача ва йиғим-теримдан сўнг, айниқса, кондиция даражасигача қуритилмаган бунтларда зарарловчи, турлари касаллик қўзғатуви замбуруғ ҳамда бактерияларнинг мавжудлиги оқибатидандир. Бунинг олдини олиш учун эса август ойида (кўсакларнинг очилаётган давридан бошлаб) ғўзадаги шира, оққанот ва қандалаларга қарши кураш олиб бориш лозим. Толанинг бактериал-замбуруғ касалликлари одатда теримгача дала шароитида бўлиши мумкин. Бунда қуйидаги касалликлар кузатилади: кўсакларнинг бутунлай зарарланиши (пушти ва кулранг моғор, гоммоз, фузароиз ва бошқалар), кўсакларнинг ичдан зарарланиши (аспергиллёз, мукороз, склероциаль моғор), кўсак бўлакларининг алоҳида-алоҳида зарарланиши ва толанинг касалланиши (макроспориоз, альтернариоз, нигроспороз, пенициллиоз), очилган кўсаклардаги толанинг зарарланиши (макроспориоз, альтернариоз, пушти-қирмизи моғор).

Ушбу касалликлар қаторлардаги ғўзанинг зич қолдирилганлиги, уларнинг ғовлаб кетиши, теримнинг кечиктирилиши, шунингдек, август ойида қатор ораларидаги намликнинг кўтарилиши ва бошқа сабаблар туфайли юзага келади. Уни бартараф этиш учун эса карбофос — гектарига 0,6 литр циперфос — гектарига 1,0 литр ёки шу зараркунандаларга қишлоқ хўжалигида тавсия этилган бошқа препаратларни қўллаш керак бўлади.

Яна бир гап. Ғўзада зараркунанда ва касалликлар кўпайишининг олдини олиш учун барча пахта майдонларида дефолиация ўтказиш лозим бўлади. Фарғона водийси вилоятларида бу тадбирнинг аҳамияти, айниқса, каттадир. Августнинг иккинчи ўн кунлигидан ҳосилнинг етилишига қараб бошланадиган дефолиация ишлари оқибатида ғўза барглари тўкилиб, ўсимликлар сўрувчи зараркунандалардан ҳоли бўлади. Натижада пахта толасининг ширaланиши олди олинади.

Дефолиацияни ўтказишда дронн ультра, августон экстра дефолиантлари қатор афзалликларга эгалиги билан ажралиб туради. Бунда ушбу дефолиантларгагина хос бир қатор ижобий хусусиятлар мавжуд. Яъни, дронн ультра, августон экстра ғўзага "юмшоқ" таъсир этиб, унинг барглари яшиллигича тўкади. Демак, пахта ҳосили камаймайди, тола ҳам ифлосланмайди. Дронн ультра, августон экстра билан дефолиация қилинган ғўза қайта кўкармайди. Ўсимликларда шира миқдори кўпаймайди, пахта толаси елимланмайди. Дронн ультранинг сарф меъёри ҳаво ҳароратига боғлиқ. Август ойида унинг ҳар гектарлик ўртача меъёри 0,2-0,3 литр, августон экстраники эса 0,1-0,2 литрни ташкил этади. Қолаверса, дронн ультра ва августон экстра дефолиантларини қўллаш билан боғлиқ харажатлар анча арзонга тушади.

Ражаббой ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори.



Маҳсулотнинг 80 фоизи экспортга

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан сармоявий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир.

Тошкент вилоятида ҳозирда 163 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 128 тасининг Низом жамғармаси 1 млн. долларгача, қолган 35 тасиники эса 1 млн. АҚШ долларидан ортиқдир.

Чирчиқ шаҳридаги "Бурсель Тошкент текстиль МЧЖ" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг умумий лойиҳа қуввати 39 млн. 952 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу йирик мажмуада йилига салкам 60 млн. дона 10 турдаги кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, уларнинг жаҳон бозоридаги харидорлиги кундан-кунга ортиб бораяпти.

Корхона мутасаддиларининг маълум қилишича, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 80 фоизи экспорт қилинмоқда.

СУРАТДА: Олеся Кадирова қўшма корхонанинг илғор ишчиларидан биридир.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАҚИНИ ТЎЛАМАГАН ШИКОЯТГА ҲАҚЛИМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

маълумотларга қараганда, айни пайтда пойтахтимизда электр энергиясидан фойдаланувчи 580 минг абонент, 13 минг 487 та корхона ва ташкилот мавжуд. Уларга жорий йилнинг олти ойи давомида 1 миллиард 912 миллион кВт/соат электр қуввати етказиб берилган. Корхона жамоаси мижозларнинг қимматбаҳо вақтларини тежаш, уларга кўрсатилаётган хизмат сифатини янада ошириш бўйича қатор чора-тадбирларни кўрмоқда. Бироқ, мазкур саъй-ҳаракатларга нисбатан истеъмолчилардаги ижобий муносабат ,ҳали тўлиқ шаклланиб улгурганича йўқ.

Президентимиз 2005 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида энергия ресурслари, биринчи галда, кўп энергия сарф этадиган тармоқлар — кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа соҳаларда тежамкорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлагандилар. Шунингдек, энергия ресурсларини тежаб ишлатмаслик, ўлчов асбобларининг йўқлиги асоссиз йўқотишларга, ҳатто ўғирлик ҳолатларига йўл қўйилаётганини қаттиқ танқид остига олган эдилар.

"Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси белгилаб берилган ана шу вазифалардан тегишли хулоса чиқариб, бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Шунга қарамай тўлов масаласи ҳали-ҳануз долзарблигича қолаётир. Келинг, сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун эътиборингизни қуйидаги рақамларга қаратсак. Жорий йилнинг 31 июль ҳолатига кўра, пойтахтимиздаги 1773 та корхона ва ташкилот йирик дебитор қарздорлар сифатида қайд этилган. Уларнинг электр энергиясидан бўлган қарзлари миқдори 6 млрд. 748,6 миллион сўмни, шундан муддати ўтгани 5 млрд. 319,8 миллион сўмни ташкил этмоқда. Хўш, буни қандай тушуниш мумкин? Масалан, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти бу борада "етакчи" ҳисобланади. Жамият биргина электр энергиясининг ўзидан, оз эмас-кўп эмас, нақд 3 млрд. 115,8 миллион сўм қарздор. Ёки шаҳримиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини олайлик. Улар фойдаланилган электр қуввати учун 1 млрд. 794,4 миллион сўм маблағни ҳалигача тўламай пайсалга солиб келишаётгани билан муроса қилиб бўлмайди. Шунингдек, Тошкент трактор заводи 194,3 миллион, Тошкент метрополитени 139,7 миллион, "Тошшаҳарнур" давлат унитар корхонаси эса 99,4 миллион сўмлик "улуш"га эга.

Ҳукуматимизнинг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида айни пайтда республикамиздаги барча электр тармоқлари корхоналари томонидан қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан, биз сўз юритаётган "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" очиқ акциядорлик жамиятида ҳам истеъмолчиларнинг муддати ўтган қарзлари бўйича зарур ҳужжатлар тайёрланиб, шаҳар Давлат солиқ идораларига реестр асосида топширилмоқда. Ҳозирга қадар 761 та юридик шахс тақдим этилган бўлса, уларнинг қарздорлик суммаси 2 млрд. 964,4 миллион сўмни ташкил этмоқда. Хонадонлардаги истеъмолчиларнинг қарзларини ундириш учун эса фуқаролик судларига мурожаат қилишга тўғри келаяпти. Агарда 2613 та абонент юзасидан ҳужжатлар тақдим этилган бўлса, айни пайтгача улардан суд қарорларига кўра 149,1 миллион сўм ундириб олинди.

Бир ҳолат кишини жиддий ташвишга солади. Афсуски, шундай кимсалар ҳам борки, улар электр энергиясидан фойдаланишда тап тортмай қўпол қоидабузарликларга қўл уришади. Тармоқдан рухсатсиз ва ўзбошимчалик билан фойдаланиш, электр ҳисоблагичдан ташқари фойдаланиш, электр ҳисоблагичларни нотўғри кўрсатишга уриниш каби салбий ҳолатлар шулар жумласидандир. Айни пайтгача 928 та ана шундай қоидабузар истеъмолчилар қайд этилган.

Яна бир гап. Аксарият уйлар, кўп қаватли хонадонлар йўлакларида ҳуда-беҳудага ёниб турган чироқларга кўзимиз тушади. Аммо лоқайдлигимиз, бепарволигимиз оқибатида у қанчалик зарар келтираётгани билан қизиқиб кўрмаймиз ҳам. Чунки ҳисоб-китоби йўқ-да. Энди бир ўйлаб кўринг. Масалан, 100 Ваттлик лампочка бир соатда 100 Ватт, бир суткада 2,4 кВт электр энергияси сарфлайди. Бу 91 сўмдан ошиқроқ маблағ деганидир. Буни бир ойга, бир йилга ҳисоблаб кўринг-чи. Арзимаган ўша чироқ қанча зарар келтираётганини билиб оласиз. Кўпинча 200 Ваттлик лампочкадан фойдаланилишини ҳисобга олсак, бу рақам янада ортиши аниқ.

Шунинг учун ҳам электр ҳисоблагичларнинг ўрни беқиёс. Бу борада ҳукуматимизнинг махсус қарори ҳам қабул қилинган. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда ҳам барча абонентларга 2008 йилгача янги электрон ҳисоблагичлар фойдаланишга топширилади. Ҳозирги кунгача 44 минг 470 та ана шундай замонавий ускуна ўрнатилди.

Хуллас, эътибор қилган бўлсангиз, аҳолига электр энергиясини етказиб бериш осонлик билан бўлаётгани йўқ. Ҳар бир киши буни тўғри тушуниб, тежамкорлик билан иш тутса, истеъмол қилгани учун ҳақини ўз вақтида тўлаб қўйса, ўйлаймизки, муаммога ўрин қолмайди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ГАЗЕТХОН сўз сўрайди

Халқаро майдонда содир бўлаётган воқеаларга жуда қизиқаман. Шу боис "Озодлик", "Би-би-си" радиоларини тинглаб, интернет хабарлари билан танишиб бораман. Кейинги пайтларда айрим оммавий ахборот воситаларининг юртимиз ҳақида турли бўҳтонлар тарқатаётгани мени ҳайрон қолдиряпти.

Мулоҳаза

Фарзандлик бурчи

Шу боис биз, ёшлар ўз ватанимиз шаънини ҳимоя қилишда нафақат юртимизда қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар, балки халқаро миқёсда кучга кирган ҳужжатлардан ҳам бохабар бўлишимиз муҳим. Ушанда ҳақиқатни ёлғондан ажрата биламиз, шаънимизга дахл қилишларига қарши тура оламиз, деб ўйлайман. Чунки, асосланмаган ва сохта маълумотларга бефарқ бўлмасликка шу юртнинг фарзанди бўлганимиз учун ҳам масъулмиз.

Жавлонбек ОТАХОНОВ.
Марҳамат тумани.

Таассуф

Шароит ноқулайлик туғдирмоқда

Биз 11- йўналишда хизмат қилувчи 26 нафар ҳайдовчи "Ғалаба" корхонасига аъзо бўлиб, йўналишнинг барча харажатларини ўз зиммамизга олгандик.

Аъзолик бадалини тўлаб, тендер ғолиби сифатида иш бошладик. Лекин раҳбарият биз, ишчиларнинг фаолият юритишимизга тўсқинлик қилди. Тендер танлови рўйхатига киритилмаган бегона автомашиналар қабул қилиниб, бизнинг йўналишга киритилди. Оқибатда тўловларни тўлашга қийналиб қолдик. Ушбу ҳолатлардан шикоят қилиб, бизни "Саноатсервис" корхонасига ўтказишларини сўраб, Қарши шаҳар тендер комиссиясига, шаҳар йўловчи ташишни назорат қилиш бўлимига мурожаат қилдик. Бироқ, мутасаддилардан амалий ёрдам ололмадик. Шароитимиз яхшиланиши учун яна нима қилайлик?

Нурбек ТЎРАБОЕВ ва бошқалар.
Қарши шаҳри.

Фикр

Миллийликни асрайлик

Халқимиз азалдан ўз анъаналари, урф-одатлари ва қадриятларини эъзозлаб келган.

Аждодларимиздан қолган бой маданий-маънавий меросимиз дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётганига ўзимиз гувоҳмиз. Ҳукуматимиз томонидан ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, улар онгида ватанпарварлик, умумбашарий қадриятларга юксак ҳурмат билан қараш каби инсоний туйғуларни сингдириш муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди. Бугун ёшларимиз учун барча шароитлар муҳайё. Бу ҳолатларни кузатиб қувонамиз, албатта. Лекин ёшларимизнинг айрим ҳолларда ғайриинсоний одатлардан андоза олаётгани, ўзимизнинг миллий қадриятларимиз қолиб, европача турмушни афзал кўраётгани бироз ранжитади, одамни.

Нодирабегиму Увайсий, Бибихоним ва Тўмарисларнинг авлоди бўлган қизларимизнинг кийиниш маданияти бутунлай ўзгариб кетди. Кўйлаклар тобора калталашиб, ҳатто бу оддий ҳолга айланиб қолмоқда. Шу боис ҳам фикримизча, тарбияни энг аввало оиладан бошлаш керак. Буни қарангки, ўткинчи ҳою-ҳавас исканжасига тушиб қоладиган фарзандлари тарбиясига бефарқ ота-оналар ҳам орамизда топилади. Бунинг авж олмаслиги, ёшларимизда андиша ва ор-номус хислатларининг камайиб кетишига чек қўймоқ учун зиёлилар, ота-оналар, ўқитувчи ва мураббийлар, маънавият ва маърифат соҳаси жонкуярлари ёшларга намуна бўлиши керак. Чунки жамият тараққиётини юксак маънавиятсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Эркин КАРИМОВ,
Самарқанд чет тиллар институти Маънавият ва маърифат бўлими услубчиси.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 3 август. Даврон Баҳронов «Тупроғида ҳикмат гуллайди...»:

« — Бугунги Бухоро — бунёдкор юртдир, — дейди шоир Садриддин Салим Бухорий. — Ҳар бир кўчасида, маҳалласида бунёдкорлик! Янги лойиҳадаги иморатлар, кенг кўчалар, хиёбону боғларни кўриб, дилинг фахрга тўлади. Бу давлатимиз раҳбари бошлаб берган бунёдкорлик ва ободлик ғоясининг рўёбидир. Зеро, эл-юртни ўйлаган, унинг оғирини енгил қилаётган халқпарварлар хизмати ҳеч қачон унутилмайди».

«XXI аср» 3 август. Умид Арслонбеков «Коса тагидаги нимкоса»:

«Шу маънода эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим роль ўйнайдиган ННТлар фаолиятини ҳам устомонлик билан АҚШ ташқи сиёсатига бўйсундиришга уринаётганлари бежиз эмас. Мана шундай шароитда қонунчилигимизни четлаб ўтадиган бузғунчи ташкилотлар фаолияти назорат остига олинди. Қатор ННТлар, жумладан, «Винрок Интернешнл» фаолияти ўз Низомида кўрсатилган мақсадлар билан бирга қонунга зид ишлар олиб бораётгани учун тўхтатилди. Шу билан бирга мамлакатимизда ННТлар том маънода жамият билан давлат ўртасида кўприк бўлиши учун кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда».

«Фидокор» 3 август. Қуддус Аъзамов «Мустақиллик — муқаддас неъмат!»:

«Инсон учун ўз яқинларини охират йўлига кузатишдан маҳрум қилишдан ҳам оғирроқ азоб борми?

Баъзилар ота, онаси ёки яқинлари оламдан ўтганда тўсатдан «касал» бўлиб ёки «хизмат сафари» баҳонасида жон сақлашган».

«Оила ва жамият» 3 август. Санам Шоймардонова «Мустақиллигимиз улуғ неъмат»:

«Ахир, одам фақат еб-ичиш учун яшамайди-ку! Қолаверса, то саҳардан шомгача гоҳо изғирин қор-совуқларда ҳам пахта териб, яна кечаси билан кўсак чувиганимизу, заҳарли дорилардан заҳарланиб юқумли касалликлар шифохоналарига сиғмай кетган кунларимизни қандай унутамиз?

«Диёнат» 3 август. Исроил Юсупов «Бензин савдосидаги бедодликлар»:

«Талабнинг бу даражада ошиб бориши кимларнингдир ҳаловатини ўғирлаб, нафсини ўпконга айлантириши табиий. Зеро, ҳаётда қандай йўл билан бўлмасин пул топиш пайида юрадиган, «Ётиб қолгунча отиб қол», қабилида турмуш кечиришга одатланган кимсалар ҳам йўқ эмас. Шундай экан, юқоридаги каби тадбирлар янада жиддий эътибор билан мунтазамлик касб этиши лозим».

Банк тизими

Иқтисодиётимиз тараққиётида молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Ўнлаб турдаги кўрсатилаётган сифатли молиявий хизматлар, мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларга ажратилаётган кредит маблағлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўсишга хизмат қилмоқда. Республикамиздаги иқтисодий барқарор фаолият юритиб келаётган банклардан бири "Ғаллабанк" бўлиб, у юртимизда изчил жорий этилаётган туб ислоҳотларга муносиб улуш қўшиб келаяпти.

Биз молиявий муассасада кенг кўламда амалга оширилаётган ишлар, жорий йилнинг ўтган давридаги ижобий ўзгаришлар, белгиланган вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги билан танишиш мақсадида банкнинг Стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Жасурбек ҚАМБАРОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

— Жасурбек Мирза Анварович, аввало, жорий йилнинг ўтган даврида пул кредит сиёсати соҳасида кўрилаётган чора-тадбирлар, уларнинг самараси, умуман, банкнинг барча йўналишлар бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисида батафсил маълумот бersангиз.

— Биринчи навбатда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар доимгидек, жорий йилнинг ўтган даврида ҳам Президентимиз ва ҳукуматимизнинг банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштириш ҳамда мижозларни нақд пул маблағларига бўлган талабини таъминлаш борасида қабул қилган фармон ва қарорлари талабларини бажаришда муайян ишлар амалга оширилди. Албатта, бу борада кенг кўламда кўрилган чора-тадбирларнинг самараси яққол кўзга ташланди.

Хусусан, банк ўз капиталини ошириш, активлар сифати ва уларнинг даромадлилигини яхшилаш, молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали мижозлар сонини кўпайтириш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда. Натижада, банк активларининг умумий қиймати 2006 йилнинг 1 август ҳолатига 95,7 млрд. сўмга етди ёки жорий йилнинг январь ойига нисбатан бу борада ўсиш 24 фоизни ташкил этди. Акциядорлик капиталини 8 млрд. сўмга етказиш мақсадида эълон қилинган банк акцияларининг 2 млрд. сўмга тенг миқдоридаги янги XII- эмиссиясини жойлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Банкнинг ресурс салоҳиятини кўпайтириш мақсадида жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида, аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиғи 2006 йил 1 август ҳолатига 7202,1 млн. сўмга етди ва ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан ушбу кўрсаткини 513 млн. сўмга оширишга эришилди. Табиийки, аҳолидан жалб қилинган маблағларнинг ўсиши, бу бевосита уларнинг банкка бўлган ишончи янада ортаётганлиги ҳамда жамоанинг молиявий барқарорлиги юқори бўлаётганлигини кўрсатади. Ҳозир бизда асосий вазифалардан бири мазкур йўналишда фаолият юритишга мўлжалланган жамғарма шохобчалари сони 151 та бўлиб, уларда фуқароларнинг барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилиш амалга оширилмоқда.

Одамларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш ҳамда молиявий муассасанинг депозит базасини янада мустаҳкамлаш борасида шу йилнинг ўтган даврида фуқароларга янада қулай ҳамда икки томонлама манфаатли 5 та янги омонат турлари жорий этилганлиги ҳам бу борадаги ишимизда ижобий натижаларга эришишга сабаб бўлди деб ўйлайман.

Шунингдек, банк томонидан, умумий қиймати 300 млн. сўмлик VI- эмиссия омонат сертификатлари жойлаштирилди. Ҳозиргача муомалага чиқарилган омонат сертификатларининг умумий қиймати 1250 млн. сўмни ташкил этди. Юридик шахсларга мўлжалланган эмиссия ҳажми 5 млрд. сўм бўлган бешинчи эмиссия депозит сертификатларидан 3,68 млрд. сўми жойлаштирилди.

Замонавий банк технологияларини жорий қилиш, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, жумладан нақд пулсиз ҳисобкитобларни такомиллаштириш борасида ҳам изчил фаолият юритилмоқда. Мазкур йўналишда пластик карточкаларни муомалага чиқариш давом эттирилди. Ҳозир уларнинг умумий сони 65886 тани ташкил этди ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида пластик карточка ҳисобварақлари орқали 2,3 млрд. сўмга яқин банк операциялари амалга оширилди. Булар, албатта, одамларга бир қатор қулайликлар яратиш билан бирга, уларнинг вақтини тежаш имконини ҳам берди.

— Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб эътироф этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар ҳамда уларга яратилаётган қулайликлар мулк эгаларини қониқтиряптими?

— Асосий вазифамиз иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган, яъни мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотини яратишда фаол иштирок этаётган мижозларни, аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида иш юритаётганларнинг қўшимча маблағларга бўлган эҳтиёжларини чуқур ўрганиб, уларни кредит маблағлари билан доимий равишда таъминлаб боришдир.

Масалан, мазкур соҳада хусусий мулк эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида 11816,6 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 8390,4 млн. сўм ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 3426,2 млн. сўм йўналтирилди. Ушбу кредитлар эвазига эса янги 1040 та иш ўрни яратилди. Демак, шунча одам муқим иш жойига эга бўлди.

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон, фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларини бажариш мақсадида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур йўналишда шу йилнинг охиригача 1 млрд. сўмга яқин маблағлар ажратилиши белгиланган.

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида истеъмол микрокредитлари бериш механизми жорий қилинган бўлиб, ушбу йўналишда ажратилган кредит маблағларининг умумий миқдори 910,9 млн. сўмга етди. Кредит олган фуқароларимиз ўз оилалари учун зарур товарларни харид қилишди. Биз, табиийки, юзлаб оилаларнинг қувончига шерик бўлдик. Энг муҳими, сотилган товарларнинг аксарият қисми юртимизда ишлаб чиқарилган.

Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳам ҳар доимгидек жисмоний шахсларга махсус "Таълим кредит"ларини бериш амалиёти давом эттирилди ва ушбу мақсад учун ажратилган кредитлар ҳажми 129,6 млн. сўмдан ортди. Кредитдан баҳраманд бўлган талабалар ўз ўқишларини давом эттиришди.

Банкнинг асосий хизмат турларидан ҳисобланган лизинг хизмати қўлами ҳам тобора ортиб бормоқда. Мазкур йўналишда, аввало, республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига зарур бўлган ускуналар, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва янада ривожлантиришга зарур бўлган янги дастгоҳларни молиявий лизинг асосида фойдаланишга бериш мақсадида 4560,8 млн. сўмлик лизинг хизматлари бажарилди.

— Бу йил мамлакатимизда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Тармоқда маҳсулот етиштиришни молиялаштириш ва умуман қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида кейинги пайтда молиявий муассасада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Маълумки, мижозларимизнинг аксарият қисми қишлоқ хўжалик корхоналари, биринчи навбатда мазкур соҳада маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ҳисобланади. Банкимиз давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган нафақат ғалла, балки пахта ҳосилини етиштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Масалан, жойлардаги филиалларимиз ғалла ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига жорий йилги ғалла ва пахта хом ашёсини етиштириш учун қилинадиган сарф-харажатларга жами 20626,1 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Бундан ташқари, ғалла ўрим-йиғимини самарали ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларини унумдор ва сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш мақсадида банк билан Германиянинг "Клаас КГаА" коммандит жамияти ўртасида 40 дона "Доминатор-130" русумли комбайн сотиб олиш юзасидан шартнома тузилган эди. Ғалла мавсумига қадар уларнинг ҳаммаси лизинг асосида худудларга тўлиқ етказиб берилиши таъминланганлиги ҳам қувонарли ҳолдир, албатта. Бундай замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган техника воситаларидан ҳосилни ўриб-йиғиб олишда тўлиқ фойдаланилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўз фаолиятимизда Президентимиз ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасидаги фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарига малакали банк хизматларини кўрсатишга алоҳида эътиборни қаратмоқдамиз. Ҳозир шу мақсадда фаолият юритаётган жами минибанкларимиз сони 75 тани ташкил этади. Ушбу мўъжаз молиявий шохобчаларнинг 66 таси айнан ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасидаги махсус қарорлари ижросини таъминлаш, шу билан бирга, аграр соҳа корхоналарига малакали банк хизматларини кўрсатиш мақсадида чекка ҳудудларда ташкил этилган. Ҳозирги кунда ушбу мини банкларда 11600 дан зиёд мижозга сифатли хизмат кўрсатилаётган бўлиб, уларнинг 3500 дан ортиғини фермер хўжаликлари ташкил этади.

— Банкнинг келгусидаги режалари тўғрисида фикрингизни билмоқчи эдик?

— Жамоамизнинг амалга ошираётган ишлари ва эришган натижаларидан албатта, кўнглимиз тўқ. Лекин фаолиятимизга танқидий назар билан қарайдиган бўлсак, ҳали фойдаланилмаган имкониятларимиз ҳам йўқ эмас. Бунинг учун янада изланишимиз, ишимизга замонавий технологияларни кўпроқ жалб этишимиз зарур. Ана шунда кўрсаткичларимиз янада ўсиши шубҳасиз. Ҳозирги кундаги биринчи вазифамиз эса жорий йилни муваффақиятли якунлаш, белгиланган натижаларга эришиш, мижозларнинг ишончли ҳамкори ва ҳар доимгидек молиявий мададкори бўлиб қолишдир.

Суҳбатдош:
Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



"Уржуза" клиникаси кўз касалликларини даволаш бўйича Фарғона водийсидаги етакчи шифо масканларидан ҳисобланади. Россиялик машҳур кўз жарроҳи Фёдоровнинг шогирди Қобилжон Ғофуров бош бўлган ушбу жамоа шифокорлари бой тажрибалари, ширин муомаласи билан кўпчиликнинг назарига тушган. Айни пайтда "Уржуза"да водий вилоятларидан ташқари Тожикистон, Қирғизистон Республикаларидан келган беморлар ҳам ўз дардларига шифо топиб кетмоқдалар.

— Россиялик ҳамкорларимиз билан доимий равишда тажриба алмашиб келаётганимиз ишимиздаги муваффақиятларда кўл келмоқда, — дейди шифохона бош ҳакими Қобилжон Ғофуров. — Зарур ҳолларда биз уларнинг, улар эса бизнинг кўмагимизга таянишади.

СУРАТДА: "Уржуза" бош шифокори Қобилжон Ғофуров россиялик ҳамкасби офтолмолог-жарроҳ, тиббиёт фанлари номзоди А. Кожухов билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Сиҳат-саломатлик йили»нинг мантиқий давомига айланган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг ўтган ойларида Жиззах вилояти бўйича 1,5 мингга яқин киши турли сиҳатгоҳларда дам олди, 9 минг нафар туғиш ёшидаги аёлнинг соғлиғи назоратдан ўтказилди. Икки ёшгача бўлган болаларнинг 20 минг нафардан зиёди турли касалликларга қарши эмланди. Давлат дастурининг ижроси бўйича 3,5 миллиард сўмликдан кўп иш бажарилди."

ТИББИЁТ ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

— Бу билан бир қанча муаммоларни ҳал қилдик, — дейди вилоят шифохонасининг бош шифокори Мирзабек Давронов. — Беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, шифохона ободончилигини таъминлаш билан бирга, жамоада соғлом, ишчан муҳитни яратишни ўйлаяпмиз. Тиббий ходимга қўйиладиган бугунги талаб ҳар бир беморга алоҳида ёндашув эканлигини таъкидлашдан чарчамаймиз.

Жорий йилда шифохоналарни таъмирлаш учун ҳомийлар томонидан 91 миллион сўм ажратилди. Бугун бу ердаги саранжомсаришталикдан, осойишталикдан кўнгил яйрайди. Дарахтлар қуюқ соя ташлаб турибди. Ҳовлининг бир қисми гулзор, бир ёғи теракзор.

"Инсон орияти билан азиз". Жамоадошларининг айтишича, Мирзабек ака бу сўзларни кўп такрорлайди. Ўзининг ҳаёт йўли эса бунга яққол мисол бўла олади. Айнан болаликдаги феъл-атвори инсон келажагини белгилаши рост экан. Мирзабек Давронов буни илмий изланишлари билан исботлади. Тиббий кузатувлари асосидаги хулосаларини марказий газеталарда, илмий нашрларда чоп эттирди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти гематология ва трансфузиология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори Ҳамид Фармонқуловга бу йигитнинг изланишлари маъқул тушди, шекилли, илмий раҳбарликни ўз зиммасига олди. Уч йиллик заҳматлари самара берди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош гематологи, вилоят шифохонаси бош врачи Мирзабек Давронов "Чақирув ёшига етмаган ўсмирларда темир моддаси танқислиги камқонлигини аниқлаш ва даволаш" мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Инсон организмида темир моддаси етишмовчилиги бугуннинг ўта долзарб муаммоси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу касаллик инсоннинг меҳнат қобилиятига салбий таъсир этади. Мирзабек Давроновнинг устози билан ҳамкорликда ёзган "Организмда темир моддаси алмашинуви, темир танқислиги ва соғломлаштириш" номли илмий-амалий қўлланмаси соҳадаги энг самарали изланишлардан бири деб қабул қилинди. Китобга сўз боши ёзган Россия Тиббиёт фанлари академиясининг академиги, профессор С.Баҳромов қайд этганидек, ушбу китоб соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб бораётган терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, гематолог ҳамда умумий амалиёт врачлари учун яқин кўмакчи бўла олади. Эндиликда М.Давронов долзарб мавзудаги илмий ишини давом эттириб, докторлик диссертацияси устида ишламоқчи.

— Жамиятнинг эътибори тиббиёт жабҳасига қаратилаётгани, аввало, инсон қадрининг юксак эъзозланаётганидан далолат, — дейди Мирзабек ака. — Президентимизнинг доно сиёсати туфайли Асосий қонунимизда халқ манфаатига устуворлик берилган. Шундай бир шароитда биз, шифокорлар янада ғайратшижоат билан ишлашимиз керак.

У тиниб-тинчимайдиган инсон. Ҳамма ишга вақт топади. Адабиётни севади, айниқса, назмга ихлоси баланд. Бултур "Хумор" шеърий тўплами босилиб чиқди. Олдинда яна режалари кўп.

Мирзабек ака болалигиданоқ спорт билан шуғулланади. Маҳалладошларини ҳам шунга жалб қилади, қизиқтиради. Соврин тикиб, беллашувларга бош бўлади.

У куннинг (баъзан туннинг ҳам) асосий қисмини шифохонада ўтказади. Ҳамкасблари — олий тоифали врачлар Муқаддас Дувлонова, Шерали Ҳусанов, Моҳира Пўлатова, Норбўта Зайниддинов, Ражабали Ўролов каби шифокорлар, беморлари орасида бўлади. Шифокорларнинг ҳар бир ютуғи, изланишларини қадрлашга, уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Дардига даво топиб, уйига қайтаётган кишиларнинг "Мен сиздан шифо топдим" деган сўзларидан қалби қувончга тўлади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИИБ ЖИЭБ 64/61-ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ КОЛОНИЯСИ

2006 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

УЯ 64/61-ЖИЭКнинг чиқинди сувлар чиқариш канализациясини капитал таъмирлаш.

Қурилиш муддати — 2008 йил декабрь ойи.
Бошланғич нархи — 60 000 000 (ҚҚС билан) сўм.
Буюртмачи — Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ 64/61-жазони ижро этиш колонияси.
Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шайхали қўрғони.
Телефон: (8-375) 221-17-76.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: *етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.*

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — ***Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уйда жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиши мумкин. Тел./факс: 221-07-79.***

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин вилоят консалтинг маркази биносида қуйидаги манзилда ўтказилади: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уй.

DELTA·BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY

ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006

МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА

ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"

26-28 сентября 2006 года

Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz

МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"

- технические средства обеспечения безопасности,
- антитеррористическое оборудование,
- средства защиты информации,
- спасения при ЧС и пожарной охраны,
- обеспечения банковской и промышленной безопасности.

Бизнес-партнеры: TalkCOM UZ
ООО "NOVITA-EDMG"

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

«ЎЗАГРОМАШСЕРВИС» УЮШМАСИ ТИЗИМИДАГИ «АГРОТАЪМИНОТ-БС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



ўз омборидаги мавжуд Россиянинг Волгоград трактор заводида ишлаб чиқарилган ВТ-150 ДЕ ва Алтай трактор заводида ишлаб чиқарилган Т-4А.01 русумли занжирли ҳайдов тракторларини (омочи билан) таклиф қилади.



Тракторлар нархига 1 йил ёки 2000 мото/соат ишлаш мобайнида кафолатли таъмирлаш хизматлари киради.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Мурожаат учун манзил: «Агротаъминот-БС» ОАЖ. Тошкент ш., Ҳамза тумани, Жаркўрғон к., 43-уй. Тел.: 196-62-21. Факс: 194-51-44, 196-37-95.

31 август — Қатағон қурбонларини ёдга олиш куни

Халқимиз тарихининг сохталаштирилган саҳифалари, яъни оқ доғлари ўрганилди, ўзининг ҳаққоний баҳосини олди ва илмий талқинига эга бўлди. Бу, албатта, миллий тарихшунослигимизнинг катта ютуғидир. Президентимизнинг 1998 йилда тарихчи олимлар билан ўтказган мулоқоти бу борадаги вазифаларга ойдинлик киритди, фанимиз эътибори тўғри йўналиш олди. Шу билан бирга мазкур жараён осонликча кечаётгани йўқ. Бунинг сабаби — кўпчилик олимларимизнинг мутелик кишанларидан батамом халос бўлиб, ҳақиқатни кўрсатишга журъат этолмаганида. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва халқаро миқёсда тарихчилар ҳамжамиятига танилган Андижон давлат университети профессори, тарих фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Мерос" халқаро илмий-амалий экспедицияси хайрия жамғармаси раҳбари Рустамбек Шамсутдиновнинг фаолияти эътирофга сазовордир.

Тарих олдидаги масъуллик

Рустамбек Шамсутдиновни Ватан тарихшунослигининг таниқли намоёндаларидан бири, тиниб-тинчимас жонкуяри, дейиш мумкин. 300 га яқин илмий мақолалар ва ўнлаб фундаментал тадқиқотлар унинг қаламига мансублигининг ўзиёқ бу фикрнинг яққол тасдиғи бўла олади. Олимнинг мустақиллик йилларидаги илмий изланишлари, айниқса, диққатга сазовордир. Унинг қатор долзарб мавзулар бўйича амалга оширган тадқиқотлари Ўзбекистон янги тарихининг ўрганилишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Шамсутдиновнинг илмий изланишларида Темурийлар, Бобурийлар меросини ўрганиш, айниқса, жадидчилик, мустабид тузумга қарши халқ қуролли ҳаракати ("босмачилик"), советлар қатағон сиёсатининг фожиали оқибатлари каби муҳим масалалар муносиб ўрин олган. Унинг Ватан, эрк йўлида шаҳид кетганларнинг номи ва хотираси масаласига бағишланган тадқиқотлари алоҳида эътиборга моликдир. Қатағон қурбонлари тақдири, уларнинг номи ва хотираси ҳақидаги ҳақиқатни тиклаш, уни халққа қайтариш, ана шу жабрдийдаларнинг фожиали қисматини ўрганишга олим кўп куч сарф этди ва бу хайрли ишни давом эттирмоқда.

Забардаст олим янги шарт-шароитларда профессорлар Ҳамдам Содиқов ва Поён Равшанов билан ҳаммуаллифликда "Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида" деб номланган Ўзбекистоннинг янги тарихи биринчи жилдини яратишга салмоқли ҳисса қўшди. 3 жилдлик янги тарихимизнинг биринчи жилди 2000 йилда нашрдан чиққан эди. Асар катта илмий салоҳият, холислик ва янгича ёндашувлар асосида ёзилган.

2000-2006 йилларда Рустамбекнинг илмий фаолияти янада самарали бўлди. Унинг "Ўзбекистонда советларни қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари", "Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар", "Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида)", "Ватан тарихи (XVI-XX аср бошлари). Иккинчи китоб", "Репрессия", "Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати", "Тарихнинг ҳасратли саҳифалари" монографик тадқиқотлари, "Ўзбекистон тарихидан материаллар" ўқув қўлланмаси нашр этилди.

Р.Шамсутдинов тарихга тийрак нигоҳ билан қарайдиган олим. Унда ҳамиша ўз ижодидан ижобий маънодаги қониқмаслик, ўзўзига танқидий қараш ҳисси кучли. Олимнинг кейинги асарларини ўқир эканмиз, фикрий уфқ, тадқиқот чегаралари кенгайиб бораётганлигини, ҳали "теша тегмаган" мавзуларга қўл ура бошлаганига гувоҳ бўламиз.

Олим қатор хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари, жумладан, Анқара, Деҳли, Мозори Шариф, Бонн ва бошқа университетларнинг тарихшунос тадқиқотчилари билан яқиндан илмий алоқа ўрнатган. Бобур номли халқаро илмий экспедиция таркибида Бобур ва Бобурийлар меросини ахтариб Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистонида бўлиб, унинг материаллари асосида "Бобурни излаб", "Буюк бобурийлар салтанати", "Буюк бобурийлар сулоласи" каби китоблар чоп этди. Ш.Каримов билан ҳамкорликда "Туркистон Русиё босқини даврида", "Ватан тарихи" (1-2-3 китоблар), "Соҳибқирон Амир Темур ва унинг салтанати" китобларини нашрдан чиқарди.

Маълумки, ҳужжатлар — тарихнинг бетакрор тили, ҳақиқат далолатномаларидир. Тадқиқотчининг кейинги йилларда дунё юзини кўрган деярли барча асарларининг манбаини илгари бирон-бир тадқиқотчи қўл теккизмаган ҳужжатлар, энг аввало, архив материаллари ташкил этади. Умуман олганда, тарихчи олим республикамиз тарихшунослигининг манба асосларини бойитиш, кўплаб қимматли архив ҳужжатлари билан тўлдиришдан иборат хайрли ишга улкан ҳисса қўшди ва қўшмоқда.

Олим тарихшунослигимизда ўзига хос мактаб яратди: советларнинг коллективлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари, мудҳиш сиёсий қатағон қурбонлари ҳақидаги муаммолар ана шу илмий йўналишни ташкил этади. Мана бир неча йилдирки, илмий мактабнинг узвий қисми сифатида унинг ташаббуси билан ташкил этилган "Мерос" халқаро илмий-амалий хайрия жамғармаси самарали иш олиб бормоқда. Жамғарма аъзолари ўтмишда ноҳақ жабрланган, қатағон қурбони бўлган кўплаб кишиларнинг номларини тиклаб, халқимизга қайтариш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан бир мунча тадбирларни амалга оширди. Қатағон қурбонларининг яқин қариндошлари, шунингдек, уларнинг қисматига бефарқ бўлмаган юртдошларимизнинг мактуб ва мурожаатларида экспедициянинг ниҳоятда савобли ишлари учун бениҳоя чексиз миннатдорликлар билдирилган.

2004 йил декабрида жамғарма йўлланмаси билан экспедиция аъзолари Россиянинг Ставрополь ўлкасида бўлдилар. Уларнинг хотираларидан маълумотлар келтирамиз: "Бу сафар ҳам ишни архивлар ва кутубхоналар, давлат ва собиқ партия архивлари, федерал хавфсизлик хизмати, ички ишлар бошқармалари ҳужжатхоналаридаги кўпдан-кўп тарихий материалларни синчиклаб ўрганишдан бошладик. Бевосита ўша қаттол давр фожиалари гувоҳлари билан учрашиб, суҳбатлашдик. Ватандошларимиз дафн этилган қабристонларни зиёрат этдик, улар руҳига атаб Қуръон тиловат қилдик. Топилган ҳужжатларни аудио ва видео тасмаларига тушириб, суратлар олдик. Одамларнинг шахсий архивларидаги ҳужжат ва суратлар билан танишдик ҳамда улардан кўчирмалар олдик. Бу галги илмий сафаримиз ҳам самарали бўлди..."

Рустамбек Шамсутдинов раҳбарлигида Андижон давлат университети тарих-иқтисод факультетида профессор-ўқитувчиларнинг "Истиқлол ва миллий тарих" номли илмий семинари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур илмий семинар Ватан тарихининг долзарб масалаларини тадқиқ ва тарғиб этиш, ёшларни миллий тарихимиз билан қуроллантириш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Унинг раҳбарлигида қатағон қурбонлари хотираси кунига бағишланган "Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы" номли 3 жилдлик китоб тайёрланиб, "Шарқ" нашриёт-матбаа АК бош таҳририятига топширилди.

Ватан тарихшунослигини янги тадқиқотлар билан бойитиш йўлида куч-ғайрати, вақтини аямай ижодий меҳнат қилаётган олим кўз ўнгимизда бир вақтнинг ўзида ҳам зукко тарихчи-тадқиқотчи, ҳам улкан педагог-мураббий, ҳам моҳир ташкилотчи сифатида намоён бўлади. Олим ёшлар келажагига катта умид ва ишонч билан қарайди. Унинг илмий раҳбарлигида бир қатор салоҳиятли ёш олимлар номзодлик диссертацияларини ёқлаб, фан номзоди илмий даражасига эга бўлдилар. У ҳозирда 2 нафар докторант, 3 аспирантга илмий раҳбарлик қилмоқда.

Рустамбек том маънода Мустақиллик олимидир. У Истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Мустақиллик тарихига доир илмий йўналишни яратишда фаол иштирок этди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлмиш Мустақилликнинг ўн беш йиллиги арафасида Истиқлол учун фидойи олимни қутлаш, унинг катта меҳнатларини, фан йўлидаги арзирли хизматларини халқимизга етказиш ўринлидир.

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Футбол бўйича мамлакат XV миллий чемпионатининг иккинчи давра ўйинлари бошланди.

«Пахтакор» етти очко илгарилаб кетди

Куни кеча якунланган 17-турнинг марказий учрашувларидан бири Муборакда «Машъал» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Пойтахтлик футболчилар бу мавсум ҳам чемпионликни ҳеч кимга бермайдиган кўринади. Улар сафарда етти минг маҳаллий ишқибоз олдида тўп суриб, рақиблари дарвозасини икки бор ишғол қилишга муваффақ бўлишди.

17-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Шўртан» 4:1, «Хоразм» — «Қизилқум» 0:1, «Бухоро» — «Насаф» 0:0, «Навбаҳор-Н» — «Андижон» 2:1, «Самарқанд-Динамо» — «Сўғдиёна» 2:0, «Металлург» — «Локомотив» 3:3, «Нефтчи» — «Тўпаланг» 2:1.

Ҳозирча турнир жадвалида «Пахтакор» жамоаси 46 очко билан якка пешқадам бўлиб турибди. «Насаф» 39 очко билан иккинчи, «Нефтчи» клуби эса 37 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT (WIUT)

University of Westminster

2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИГА МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОНИ

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ (ТХВУ)

магистр ўқув дастури бўйича талабаларни ўқишга таклиф этади. Ўқишни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар Вестминстер университетининг (Буюк Британия) магистрлик илмий даражасига сазовор бўладилар.

МАГИСТРАТУРАДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТАҲСИЛ ОЛИНАДИ:

ХАЛҚАРО БИЗНЕС ВА МЕНЕЖМЕНТ

MASTERS IN INTERNATIONAL BUSINESS AND MANAGEMENT



Ўқиш муддати — 12 ой (кундузги) ёки 24 ой (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда).

Ўқиш бошланиши — 2006 йил 11 сентябрь.

Қабул қилиш шартлари:

- *номзод бакалавр дипломи ёки мутахассислик дипломига (5 йиллик олий маълумотга) эга бўлиши;*
- *инглиз тили – IELTS тизими бўйича 6.5 балл; TOEFL тизими бўйича 600 (ёзма) ёки 250 (компьютерда) баллга эга бўлиши;*
- *номзодларнинг ёши 22 дан кам бўлмаслиги;*
- *суҳбатдан муваффақиятли ўтиш.*

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2006 йил 1 августдан 8 сентябргача.

Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- *ариза (ариза шаклини университетдан олиш мумкин);*
- *IELTS ёки TOEFL сертификати ёки тестга қайд қилинганлик ҳақидаги маълумотнома (IELTS тести топшириш кунлари — 26 август/23 сентябрь);*
- *бакалавр дипломи (ёки олий маълумот ҳақидаги диплом) асли, баҳолари билан;*
- *8 та фотосурат (3x4);*
- *086 шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *паспорт нусхаси.*

Қабул ҳайъати иш кунлари — душанбадан жумагача соат 9.00 дан 17.00 гача.
Тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача.

Қўшимча маълумот
Магистратурада ўқиш тўлов-шартнома асосида олиб борилади.
Вилоятдан келган талабалар университет ётоқхонасида турар жой билан таъминланадилар.

Батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 12-уй.

Телефон: + (99871) 132-27-74.
Веб-сайт: **http://www.wiut.uz**
Эл. почта: **advice@wiut.uz**

Акциядорлик тижорат «Туронбанк» мижозлари диққатига !!!

TURON BANK **АТ «ТУРОНБАНК»**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, миллий валютада пластик карточкаларини 5 йил муддатга муомалага чиқарди. Бу чакана савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларини ҳамда аҳолидан нақд пул қабул қилувчи муассасалари тўловларини пластик карточкалар билан қабул қилиш имконини беради.

Бунинг учун «Туронбанк» томонидан 50 000 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, 200 дона замонавий савдо терминаллари савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаларига ўрнатилди.

Сўм пластик карточкалари нақдсиз ҳисоб-китобни амалга оширишга хизмат қилибгина қолмай, балки ундаги қолдиқ омонат маблағларга ҳар бир куни учун йиллик 16% даромад қўшилади.

Шунингдек, «Туронбанк» юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларга ҳам корпоратив пластик карточкаларини таклиф этади.

Сўм корпоратив пластик карточкалари билан корхона эҳтиёжлари учун сотиб олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар, хизмат сафарлари тўловларини амалга ошириш ҳамда юридик шахс мақомига эга корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китоб юритишлари учун мўлжалланган.

Корпоратив карточкалари нақд пулсиз сотиб олиш механизмини тезлаштиради ва соддалаштиради.

Сиз сўм корпоратив пластик карточка ҳисоб варағини очиш учун «Туронбанк»нинг жойлардаги барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 144-32-52, 144-33-94.

«Туронбанк» сиз билан, сиз учун!

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси доценти, ю.ф.н. Замира Шомуҳамедовага онаси
ҲАЁТХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Соғлом авлод учун» журнали жамоаси таҳрир ҳайъати аъзоси Шомирза Турдимовга акаси
Бекмирза
ТУРДИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

(t) - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 123456